



History of the fight against smallpox in the Ferghana region at the end of the 19th – beginning of the 20th century

Azizbek BADALOV¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2024

Received in revised form

15 May 2024

Accepted 15 June 2024

Available online

25 June 2024

Keywords:

pandemic,
smallpox,
Fergana region,
variation,
smallpox vaccination,
mandatory vaccination,
V.I. Kushelevsky

ABSTRACT

This article analyzes the causes and consequences of the spread of smallpox, one of the main medical problems in the Fergana region in the late 19th – early 20th centuries in Turkestan. The measures taken to combat smallpox, and the main difficulties and problems of introducing a vaccination system against this disease in the region were studied. With the help of archival materials and historical works, the stages of compulsory vaccination against smallpox carried out in the area, as well as the dynamics of the growth of vaccination from year to year, are analyzed.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss3-pp99-106>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида чечак касаллигига қарши курашиш тарихидан

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

пандемия,
чечак,
Фарғона вилояти,
вариоляция,
чечакка қарши эмлаш,
чечакчи,
мажбурий эмлаш,
В.И. Кушелевский.

Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда, хусусан, Фарғона вилоятида тиббиётнинг асосий муаммоларидан бири бўлган чечак касаллигининг тарқалиш сабаблари ва оқибатлари, чечакка қарши кураш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, вилоятда чечакка қарши эмлаш тизимини жорий этишдаги асосий қийинчилик ҳамда муаммолар, вилоятда чечакка қарши мажбурий эмлашнинг йўлга қўйилиши босқичлари ҳамда эмлашнинг йилдан-йилга ортиб бориш динамикаси архив материаллари, тарихий асарлар ёрдамида таҳлил этилган.

¹ Associate Professor, Andijan State University.

История борьбы с оспой в Ферганской области в конце XIX – начале XX века

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

пандемия,
оспа,
Ферганская область,
вариация,
вакцинация против оспы,
обязательная вакцинация,
В.И. Кушелевский.

В данной статье анализируются причины и последствия распространения оспы, одной из основных медицинских проблем в Ферганской области в конце XIX – начале XX веков в Туркестане. Исследованы принятые меры по борьбе с оспой, основные трудности и проблемы внедрения системы вакцинации против данного заболевания в области. С помощью архивных материалов и исторических трудов проанализированы этапы проведенной в области принудительной вакцинации против оспы, а также динамика роста вакцинации из года в год.

COVID-19 пандемияси келтирган оғир оқибатлари туфайли бутун дунё тиббиёт соҳасини ривожлантириш нақадар долзарб аҳамият касб этишини яна бир бор тушуниб етди. Шу билан биргаликда, тарихдан сабоқ олиш, унинг аччиқ саҳифаларидан хулоса чиқариш мақсадида, жаҳон тарихида рўй берган турли эпидемиялар ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тўғрисида илмий изланишлар олиб борилиб, турли мақолалар эълон қилинди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда тиббиётнинг ижтимоий тарихини ўрганиш чуқур ўрганиш, хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида юртимизга замонавий европача тиббиётнинг кириб келиши ва халқ орасида ёйилиши ҳамда трансформациялашуви, эпидемиялар ва уларга қарши кураш жараёнлари тарихини тадқиқ этиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди [1].

XIX аср охири – XX аср бошларида турли сабабларга кўра, Туркистонда, жумладан, Фарғона вилоятида юқумли касалликлар тарқалиб турган ва айрим ҳолларда эпидемияга айланиб кетган. Бундай ҳолатларда касалликнинг тарқалиб кетишини олдини олишга қаратилган бир қатор чоралар амалга оширилган. Шунга қарамай аҳолига ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилмаганлиги оқибатида юқумли касалликлар туфайли ўлим сони ниҳоят даражада юқори бўлган.

Фарғона вилоятида энг кўп тарқалган ва ҳалокатли оқибатларга олиб келган юқумли касаллик турларидан бири шубҳасиз чечак касаллиги эди. Фарғона вилояти шифокори В.И. Кушелевскийнинг қайд этишича, маҳаллий шифокорлар кўп ҳолларда чечак билан касалланган беморларнинг сони ҳамда у туфайли вафот этганлар сони ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишмаган. Бунинг асосий сабаби, ўлкада маҳаллий аҳолининг метрик маълумотлари бўйича ҳужжат юритилмаган. Чунончи, чечакдан вафот этганлар тўғрисидаги тахминий маълумотларни қабристон нозирларидан олиш мумкин бўлган. Улар томонидан берилган маълумотларга асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, чечак касаллигидан болалар ўлими юқори даражада бўлган [2.Б.171-172].

Манбаларда вилоятда чечак касаллигининг тарқалиши ва унинг қурбонлари хусусида тўлиқ маълумот олиш имконияти бўлмаса-да, маҳаллий шифокорларнинг ҳисоботларига асосланиб, унинг нечоғли кенг тарқалганлиги тўғрисида хулоса қилишимиз мумкин. Жумладан, 1878 йил июль ойида Ўш

яқинидаги Булоқбоши қишлоғида тарқаган чечак эпидемияси туфайли 50 киши вафот этган. 1886 йилнинг октябр ойида эса, Наманган шаҳрида 220 нафар бола ҳалок бўлган. 1891 йилнинг декабр ойида Ўш уездининг Булоқбоши, Жалақудуқ, Оқбўйра, Новқат, Олой волостларида чечакдан 834 киши касалланиб, улардан 320 нафари вафот этган [3.Б.91]. Бундан ташқари Фарғона вилояти статистик тўпламларида турли йилларда чечакдан касалланувчилар орасида ўлим ҳолати юқори бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўришимиз мумкин. 1893 йилда чечакка чалинган 128 бемордан 16 нафари, 1894 йилда 78 бемордан 13 нафари, 1895 йилда 105 бемордан 38 нафари, 1897 йилда 157 бемордан 41 нафари, 1913 йилда эса 139 бемордан 75 нафари вафот этган [4]. Келтирилган маълумотлар Фарғона вилоятида чечак касаллиги ҳар йили гоҳ айрим уезд ёки қишлоқларда, баъзида эса, бирданига бир нечта уезд ёки қишлоқларда аҳоли ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солиб турганлигини тасдиқлайди.

Чечакка қарши кураш қадимги даврлардан тиббиётнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келган. Уни олдини олиш ва даволашнинг қадимий ўзига хос йўли бу – вариоляция* йўли билан чечакка қарши эмлаш ҳисобланган. Ўрта асрларда табобат соҳасини янги ғоя ва ихтиролар билан бойитган табиб, қомусий олим Ар-Розий ўзининг „Китоб ал-жударий ва-л-ҳасба“ („Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб“) асарида тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, чечак ва қизамиқ касалликларининг бошқа юқумли касалликлардан фарқи ва тарифини келтирган. Ар-Розий чечак билан бир марта касал бўлган киши иккинчи марта бу касалликка дучор бўлмаслигини аниқлаган ва чечакка қарши эмлаш керак деган фикрга келиб, уни амалга оширган. Шундай қилиб бугунги кундаги шифокорлар Ар-Розийни чечакка қарши эмлашнинг асосчиси, деб тан олганлар. Кейинчалик чечакка қарши эмлаш Шарқ ва Ғарбга кенг тарқалган.

Кейинчалик, 1796 йилда Англиялик қишлоқ шифокори Эдуард Женнер чечакка қарши эмлашнинг янги усули – сигир чечагини соғлом одам танасига юбориш йўли билан чечакка қарши иммунитет ҳосил қилиш орқали бутун дунёда чечакка қарши эмлашнинг янги эрасини бошлаб берди. Э.Женнернинг ихтироси бутун дунё бўйлаб барча давлатларнинг эътирофига сазовор бўлди ва тезлик билан ёйила бошлади.

Россия империяси босқинига қадар Туркистон ўлкасида, жумладан Фарғона водийсида ҳам чечакка қарши эмлаш билан шуғулланган табиблар – „чечакчилар“ бўлиб, В.И. Кушелевскийнинг қайд этишича, улар ўзига хос эмлаш усулидан фойдаланганлар [5.Б.167]. Унга кўра, эмланувчининг бош ва кўрсаткич бармоғи оралиғи терисига бир неча бор игна санчилган ва игна санчилган жойга безарар чечакдан олинган детрит* сурилган. Шу орқали унга безарар чечак юқтирилиб, унда чечакка қарши иммунитет ҳосил қилинган. Бу усулдаги эмлов натижалари аксарият ҳолатларда муваффақият билан яқунланса-да, айрим ҳолатларда салбий оқибатлар, ҳатто ўлим ҳолати кузатилган [5.Б.168].

* **Вариоляция** – чечакка қарши эмлашнинг дастлабки усули. Касал одамнинг чечак пуфакчалари соғлом одамга киритилиши орқали чечакка қарши фаол иммунитет ҳосил қилинган. Эмлашнинг Женнер усули ихтиро қилингунига қадар ишлатилган.

* **Чечак детрити** – чечакка қарши вакцина тайёрлаш учун сунъий йўл билан касалланган ҳайвон терисидан чечак пуфакчаларини қириб олиш.

Туркистонда Россия империясининг мустамлакачилик тузуми ўрнатилгач, ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида аҳолини чечакка қарши эмлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Биринчи навбатда ўлкага жойлаштирилган рус аҳолиси ўртасида чечак касаллигига чалиниш ва чечак туфайли ўлим сонининг ортиб бориши туфайли аҳоли ўртасида чечакка қарши эмлашнинг фойдали томонлари хусусида соғлом фикр уйғотиш мақсадида тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Россия Императори Эркин иқтисодий жамиятининг 1872 йил 25 августда Туркистон генерал-губернатори К.П. Фон-Кауфманга юборган мурожаатнома хатида руҳонийларни чечакка қарши эмлашнинг зарурлиги ва фойдалари ҳақида аҳоли орасида соғлом фикр уйғотишга жалб қилиш мақсадида Перм Епархияси руҳонийси Михаил Первушинанинг “Чечакка қарши эмлаш” номли рисоласи 60 ададда Туркистон генерал-губернаторлигига юборилгани маълум қилинган. Ушбу китобни Туркистондаги мавжуд черков хизматчиларига (ҳар бир черковга 2 ададдан) етказилган. Руҳонийларга ўз жамоатини нафақат китоб мазмуни билан таништириш кераклиги, балки аҳолини унда ёзилган кўрсатма ва маслаҳатларга риоя қилишга ишонтириш ҳамда йил охирида қилинган ишлар тўғрисида ҳар бир руҳонийнинг ҳисобот бериши кераклиги уқтириб ўтилган. Ушбу чоранинг самарадорлигини оширишда руҳонийларнинг уезд ва шаҳар бошлиқлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиши кўзланган мақсадга эришишда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган [6.Б.1-2]. Ушбу маълумотлардан кўринадики, мустамлакачилик тузумининг дастлабки йилларида чечакка қарши эмлашнинг шартлиги ва унинг фойдаларига нафақат маҳаллий халқ, балки ўлкада жойлаштирилган Европа миллатига мансуб аҳоли ҳам унчалик ишонч билдирмаган. Шу сабабли, бу соҳада иш аввало, ўлка аҳолиси ўртасида чечакка қарши эмлашни жонлантириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишдан бошланган.

Туркистон ўлкаси, жумладан, Фарғона вилоятида чечакка қарши эмлашни ривожлантиришнинг асосий босқичларидан бири бу – 1879 йил 8 майда “Туркистон генерал-губернаторлигида чечакка қарши эмлаш тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши бўлди. Ушбу низомга кўра, аввало, чечакка қарши эмлашни ўрганишга хоҳиш билдирган, агар бундай кишилар топилмаган тақдирда, маҳаллий маъмурият буйруғига асосан маҳаллий аҳоли ва руслар орасидан 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган саводли, яхши хулқ-атворли, соғлом ва лаёқатли шахсларни чечакка қарши эмлаш бўйича ўқитиш йўлга қўйилган. Чечакка қарши эмловчиларни ўқитиш шифохоналарда, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда уйларда уезд шифокори томонидан амалга оширилиб, 6 ой давом этган. Ўқитиш давомида ўқувчилар озиқ-овқат, кийим-кечак ва турар-жой билан таъминланган [7.Б.27]. Шунингдек, ўқитиш давомида ўқувчиларга кундалик эҳтиёжлари учун суткасига 20 копейкадан пул бериб турилган [8.Б.40]. Ўқиш сўнггида туман шифокори томонидан ўқувчиларга эмлаш бўйича тўлиқ курсни эгаллаганлигини тасдиқловчи ва шу бўйича хусусий амалиёт билан шуғулланиш имконини берувчи гувоҳнома берилган.

Чечакка қарши эмловчиларга бир йилига 180 рублдан маош тўланган. Бундан ташқари, эмлов ишида алоҳида қунт билан ишлаган, бошқа эмловчиларга нисбатан кўп инсонларни эмлашга муваффақ бўлганларга мукофот ва совғалар бериб турилган. Мисол учун, 1886 йил январ ойида Андижон уезди бошлиғининг

билдиришномасига асосан, ўз ишига виждонан ёндашиб, аҳоли ишончи ва эътирофига сазовор бўлган эмловчилар Тўра Хўжа Исмоил Хўжа, Шоисматилла Шонеъматиллаев ва Хошим Охунбоевларга бир марталик 25 рубл мукофот пули берилган [9.Б.1]. Шунингдек, эмловчилар ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги, соғлиги ҳамда ножўя хулқ-атвори туфайли лавозимидан озод қилинган. 1881 йил 14 октябрда Андижон уезди Боботаваккул ва Майдон волостлари эмловчиси Абдурасул Аҳмадбоев ўз ишига совуққонлиги, Қўқон уезди эмловчиси Мулла Хасан Муҳаммадрасулов эса соғлиги кўтармаганлиги учун лавозимидан озод қилинган [10.Б.18,23]. Қуйида келтирилган жадвалдаги маълумотга кўра, 1886 йилда чечакка қарши эмловчиларнинг маоши оширилиб, йилига 200 рублга етказилган. Чунончи, ушбу йилда Фарғона вилоятидаги чечакка қарши эмлаш участкаларида жами 23 нафар эмловчилар фаолият юритган ва уларга жами 4600 рубл маош тўланган.

1886 йилда Фарғона вилоятида чечакка қарши эмловчилар ва уларнинг моддий таъминоти ҳақида маълумот [11.Б.35-36]:

№	Чечакка қарши эмлаш участкалари, уларга бириктирилган волостлар номи	Эмловчи р сони	Моддий таъминоти
Қўқон уезди бўйича			
1.	Қўқон шаҳрида	2	400
2.	Риштон, Зодиён, Ультарминск, Янги Қўрғон, Кенегез, Кудаш, Бувайда, Найман, Қорақалпоқ, Қипчоқ, Ганжиравон ва Аравон волостларига	1	200
3.	Исфара, Сўх, Лайлак, Найгут-Қипчоқ, Махрам, Конибодом, Бешариқ, Жанжал, Яйпан, Чирикжийда, Қайнар волостларига	1	200
	Жами:	4	800
Чуст уезди бўйича			
4.	Чотқол, Баястан, Қутлуқ-Саид, Косон, Терговчи, Тўрақўрғон ва Аҳси-Шаханд волостларига	1	200
5.	Чуст, Варзиқ, Олмос, Поп, Чодак, Ашт ва Бободархон волостларига	1	200
	Жами:	2	400
Ўш уезди бўйича			
6.	Ош ва Оқбура волостларига	1	200
7.	Гулчи ва Олой	1	200
8.	Навқот, Жалақудуқ ва Булоқбоши волостлари	1	200
	Жами:	3	600
Наманган уезди бўйича			
9.	Наманган шаҳрида	1	200
10.	Хонобод, Қирғиз Қўрғон, Қум-Қўрғон волостларига	1	200
11.	Уйчи, Чортоқ, Бешкарам, Янги Қўрғонтепа, Нанай, Боғиш волостларига	1	200
12.	Қирқовул, Саруйск, Кетмонтепа волостларига	1	200
	Жами:	4	600
Андижон уезди бўйича			
13.	Худоёр ва Боботаваккал волостлари	1	200
14.	Олтинқўл, Хокент ва Ёрбоши волостларига	1	200
15.	Ойим, Қўрғонтепа, Қорасув волостларига	1	200
16.	Қўқон, Майгир, Майли-Избоскан, Норин, Балиқчи, Ҳаққулбод волостларига	1	200

17.	Жалолобод, Ўзган, Қуршоб, Бозорқўрғон, Кўгарт ва Навкент волостларига	1	200
	Жами:	5	1000
Марғилон уезди бўйича			
18.	Янги Марғилон шаҳрида	1	200
19.	Эски Марғилон шаҳри ва Ичкилик, Найман, Ёвкесак-Бўстон волостларига	1	200
20.	Асака, Сегаза, Қоратепачовкент, Қува, Шаҳрихон волостларига	1	200
21.	Қўқон қишлоқ, Аввал, Мингтепа, Аравон ва Кўл волостларига	1	200
22.	Чимён, Олтиариқ, Файзобод, Яккатут, Ёзявон	1	200
	Жами:	4	400
	Вилоят бўйича жами:	23	4600

1870 йилларнинг охирига қадар, Фарғона вилоятида чечакка қарши эмлаш ишлари ривожланмади. Туркистон Ҳарбий-тиббиёт бошқармасининг расмий ҳисоботида кўра, 1876 йилда йилда Туркистонда жами 29104 киши эмланиб, улардан 28058 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил қилган. Эмланганларнинг асосий қисмини Сирдарё вилояти аҳолиси ташкил қилган. Фарғона вилояти бўйича эса, эмланганлар ҳақида маълумот келтирилмаган. Бундан кўринадики, мустамлака маъмурияти дастлабки йилларда, чечакка қарши эмлаш ишларига панжа ортидан қараб келган. Фарғона вилояти шифокори В.И. Кушелевскийнинг фикрига кўра, Фарғона вилоятида чечакка қарши эмлов ишини оқшанининг асосий сабаблари, биринчидан, маҳаллий аҳолининг ишончсизлиги бўлса, иккинчидан эса, маҳаллий ҳокимиятларнинг эмлов ишларини ташкил қилишга ёрдам бермаслиги, маҳаллий ҳокимият ва чечакка қарши эмловчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масаласи қонун билан белгиланмаганлигида бўлган. Бундан ташқари сифатли чечак детритининг танқислиги, эмловчилар фаолиятининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ҳамда уларни назорат қилиш имкони йўқлиги ҳам бу соҳада ишнинг бир жойда депсиниб туришига сабаб бўлган [12.Б.166-170].

1880 йиллар бошида чечакка қарши эмлов ишларини жонлантириш мақсадида Туркистон ўлкасида мажбурий эмлашни жорий этиш этишнинг дастлабки босқичи амалга оширилган. Туркистон генерал-губернатори фон-Кауфманнинг 1880 йил 2 мартдаги “Туркистон ўлкаси рус аҳолиси ўртасида чечакка қарши мажбурий эмлашни жорий этиш” тўғрисидаги фармойишига асосан, келажакда кутилиши мумкин бўлган чечак эпидемияларини олдини олиш мақсадида, ўлкадаги рус аҳолиси ўртасида мажбурий эмлашни йўлга қўйиш шартлиги белгиланган. 1881 йил 8 августда Фарғона вилояти губернаторининг буйруғи асосида, вилоятда 15 ёшгача бўлган рус болаларини мажбурий равишда чечакка қарши эмлаш бошланган [13.Б.1-2].

Манбаларда қайд этилишича, маҳаллий аҳолининг европача тиббиётга кўникиб бориши натижасида чечакка қарши эмлаш сони йилдан йилга ортиб борган. Жумладан, 1881 йилдан 1897-98 йилгача Фарғона вилоятида аҳоли нуфуси 700000 дан 1571157 кишига ортган бўлса, чечакка қарши эмланганлар сони 3245 дан 18085 нафаргача ортди. Кейинги йилларда эса, бу кўрсаткич бирданига ортиб, 1900 йилда эмланганлар сони 34304 нафарга етган. Шу йилдан бошлаб,

ушбу рақамлар йилдан аста-секинлик билан ўсиб борган ва 1914 йилда чечакка қарши эмланган сони 2190424 кишилиқ вилоят аҳолисининг 57299 нафарини ташкил қилган [14.Б.108]. Таъкидлаш лозимки, чечакка қарши эмлашнинг бундай суръатларда ўсиб боришига ўлкада фаолият олиб борган Европа миллатига мансуб шифокорлар ва маҳаллий чечакчиларнинг жонқуярлиги ва виждонан фаолият кўрсатганлиги ҳам асосий сабаблардан бири бўлган.

Биринчи жаҳон уруши натижасида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий бўҳронлар Туркистонда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни ташкил этишга, хусусан, чечакка қарши эмлаш ишлари ривожига ҳам ўта оғир салбий таъсир кўрсатди. Урушдан кейинги йилларда эса, бу соҳадаги кўп ишларни қайтадан ташкил этиш муаммоси юзага келди. Чунончи, Туркистонинг йирик шаҳарларида, жумладан, Фарғона вилоятидаги шаҳарларда нафақат маҳаллий аҳоли, балки руслар орасида ҳам онда-сонда чечакка чалиниш ҳолатлари кузатилган эди.

1919 йил 10 апрелда Совет ҳукуматининг “Чечакка қарши мажбурий эмлаш” тўғрисидаги декретининг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларнинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Ушбу декрет асосида барча янги туғилган чақалоқларни мажбурий эмлаш, чечакка қарши эмлаш учун қилинган сарф-харажатларни марказий давлат ғазнаси маблағлари ҳисобидан қоплаш, хусусан, чечакка қарши эмлаш институтлари ва чечак детрити тайёрлаш муассасаларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда чечакка қарши эмлаш бўйича тўлиқ ўқитиш курсларини ташкил этиш тартиби ўрнатилди. Шунингдек, декрет бўйича, ўлим ва туғилганлик ҳолатларини рўйхатга олувчи маҳаллий маъмурият бўлимларига янги туғилган болалар ҳамда бир ёшгача бўлган болалар ўлими тўғрисидаги маълумотларни соғлиқни сақлаш бўлимларига ўз вақтида етказиб туриши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилди. Кейинчалик, ушбу декрет асосида Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги томонидан “Чечакка қарши профилактик эмлаш тўғрисида” ги Низом қабул қилинди. Ушбу низомда, болаларни 10 ва 18 ёшга тўлгандан кейин камида 2 марта такрорий эмлаш зарурлиги ҳамда чечакка қарши эмлаш бепул ва очик бўлиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида чечак касаллиги аҳоли саломатлигига жиддий хавф солган энг кўп тарқалган касаллик сифатида Туркистон ўлкаси, жумладан, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш тизимининг энг оғир соҳаларидан бири бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида ўлкада чечакка қарши эмлаш ишлари Россиянинг бошқа губернияларига нисбатан оғир кечган. Бунинг энг асосий сабаблари эса, биринчидан, ўлкада чечакка чалинганлар ва чечакдан вафот этганлар тўғрисида аниқ маълумот олиш имкони йўқлиги бўлса, иккинчидан, ўлкада тиббиёт ходимларининг юқори даражада етишмовчилигидан иборат эди. Бундан ташқари маҳаллий аҳолининг эмлашга нисбатан ишончсизлиги, чор ҳукуматининг маҳаллий маъмурларининг ҳаракатсизлиги ҳам бу соҳадаги ишларнинг ривожига салбий таъсир ўтказган. Кейинчалик, чечакка қарши мажбурий эмлаш тизимининг йўлга қўйилиши ва Европа миллатига мансуб шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида чечакка қарши эмлаш сони йилдан йилга аста-секинлик билан ортиб борган.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Sanavar Bazarbaevna Shadmanova, Azizbek Abdumalikovich Badalov. Activities of doctors in the Fergana valley (late 19th – early 20th centuries) // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 10, October 2020/ISSN: 2249-7137; Бадалов Азизбек Абдумаликович. “Фарғона тиббиёт жамияти” ва унинг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 2 (2021) / ISSN 2181-1415; Бадалов Азизбек Абдумаликович. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида кўз касалликлари шифохоналарининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихидан // Ўтмишга назар журнали, №1, 2022 йил; Azizbek Abdumalikovich Badalov. History of the Fight Against Smallpox in the Late XIX Century – Early XX Centuries // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Volume 9, Issue 6 June, 2022 Pages: 179-184 ISSN 2364-5369. <http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v9i6.3865>.
2. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том III. –Новый Маргелан: Издание Ферганского Областного Статистического Комитета, 1890.
3. Р.Патхиддинов. Фарғона вилоятида чечак касаллиги// “Ўтмишга назар” журнали. 2022 йил №1.
4. Қаранг: Обзор Ферганской области за 1893, 1894, 1895, 1897 и 1913 гг.
5. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том III. –Новый Маргелан: Издание Ферганского Областного Статистического Комитета, 1890.
6. Ўзбекистон миллий архиви, И.1-жамғарма, 16-рўйхат, 598-иш
7. Ўзбекистон миллий архиви, И.1-жамғарма, 16-рўйхат, 1310-иш
8. Ўзбекистон миллий архиви, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 12006-иш
9. Ўзбекистон миллий архиви, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 12006-иш
10. Ўзбекистон миллий архиви, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 11096-иш
11. Ўзбекистон миллий архиви, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 12006-иш
12. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том III. –Новый Маргелан: Издание Ферганского Областного Статистического Комитета, 1890.
13. Ўзбекистон миллий архиви, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 10981-иш
14. Покровский А.И. Из истории оспы и оспопрививание в Туркестане. К вопросу о борьбе с оспой в Туркестане//Туркестанский медицинский журнал, 1924 г. Т.3, №1-8.